

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ТЎҒРИСИДА

2016 йил 7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон раҳбари Россия Президентини таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга сihat-саломатлик ва давлат раҳбари сифатидаги серқирра фаолиятига муваффақиятлар, Россия халқига тинчлик-хотир-жамлик ва фаровонлик тилади. Ўзбекистонда Владимир Пу-

тиннинг мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга қўшаётган шахсий ҳиссаси юксак қадрланади. Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин савдо-иқтисодий, ин-

вестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш бўйича турли даражада Ўзбекистон – Россия мулоқотлари фаоллашётганини мамнуният билан таъкидлади. Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари ўзаро ҳамкорликка доир бошқа қатор масалалар ва айрим халқаро муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашди-лар.

Ў.А.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАЎБАРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

2016 йил 16 сентябрь Бишкек шаҳри

Биз, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг вафоти муносабати билан мустақил Ўзбекистон тарихидаги мураккаб даврда дўст Ўзбекистон халқини қатъий қўллаб-қувватлашимизни билдираемиз. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш, халқаро нуфузини ошириш ва аҳоли фаро-

вонлигини юксалтиришга хизмат қилган кенг қўламли ислохотлар буюк давлат арбоби Ислам Каримов номи билан боғлиқдир. У ўзининг бутун ҳаётини халқига садоқат билан хизмат қилишга бағишлади.

Ислам Абдуганиевич Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг асосчиларидан бўлиб, Ҳамдўстлик давлатларининг халқлари ўртасида иқтисодий алоқалар, дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатларини

мустаҳкамлаш йўлида жуда қўллаб-қувватлаш амалга оширди. Ўзбекистон раҳбари сифатида Марказий Осиёда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, минтақани хавфсиз ва барқарор ривожлантирган ху-

дудга айлантиришга бе-ниҳоя катта ҳисса қўшди. Ўзбекистон бундан буён ҳам изчил ривожланиши ва Ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари билан дўстлик, яқин қўшничилик муносабатларини ҳар томонлама

мустаҳкамлаш ишларини қатъий давом эттиришига ишонч билдирган ҳолда, Ўзбекистон халқининг тинчлик, барқарорлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бора-бор ҳаққонлиги тўғрисида қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг тарихий мероси Ҳамдўстлик халқларининг аҳил оиласида дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доимо хизмат қилишига ишона-миз.

Сайлов – 2016

КОМИССИЯНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни округ сайлов комиссияси раиси Ҳасимжон Ҳамидов бошқарди.

Йиғилишда округ сайлов комиссияси аъзолари, сайлов комиссияси қошидаги матбуот маркази ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлис кун тартибига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов жараёнларини ёритувчи оммавий ахборот воситалари ходимларини аккредитациядан ўтказиш, округ сайлов комиссияси ҳамда сайлов участкаларини жиҳозлаш бўйича ишчи гуруҳини

тузиш тўғрисидаги масалалар муҳофиза қилинди.

Таъкидланганидек, сайлов жараёнларини ёритишда ОАВ ходимларидан қонунчилик мезонларига қатъий риоя қилиш, сайловларнинг қонунчиликка мос равишда ошкоралик ва демократик тамойиллар асосида ўтишини кенг ёритиш масалаларида ҳолис бўлиш талаб этилади.

Шунингдек, сайлов участкаларини жиҳозлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳ аъзоларига сайлов

участкалари эҳтиёжлари учун сотиб олинган асосий воситалар, ҳужалик моллари (стендлар, банерлар, бейжиклар) ва канцелярия буюмларини меъёр асосида, сифатли ва талабларга мос бўлишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Шу билан бир қаторда сайлов участкаси биноси ва участка комиссияси аъзолари учун ажратилган хоналар ҳамда улар жойлашган ҳудудларни ободонлаштириш масаласи ҳам асосий вазифалардан бири сифатида таъкидланди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ў.А. мухбиримиз.

□ 2016 йил – Соғлом она ва бола йили



Ҳаётини мақсадлар рўёби

Бўстонлик тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамда унинг ҳудудий тузилмалари томонидан аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофиза қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофиза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфида марказий шифона, қўл тармокли поликлиника, туғруқ бўлими, болалар поликлиникаси билан бирга 18 та кишлоқ врачлик пунктлари мавжуд бўлиб, ушбу муассасаларда фаолият олиб бораётган шифокор ва ҳамширалар 163 мингга яқин аҳолига маҳали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, 17 та мактабгача таълим

муассасаси, 53 та умумтаълим мактаби, 7 та коллеж ва 2 та интернатнинг ўқувчи ва тарбияланувчилари ҳам шифокорларнинг доимий назоратига олинган.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинган бундай эзгу саъй-ҳаракатларга янгича мазмун бағишлади. Соғлом она ва бола йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурига мувофиқ туман тиббиёт бирлашмаси ва ҳудуддаги кишлоқ врачлик пунктлари шифокорлари томонидан оналар ва болалар саломатлигини таъминлаш, тиббий хизматлар сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда жойларда ташкил

этилатган тадбирларнинг самараси ҳам катта бўлмоқда. Хусусан, тумандаги барча умумтаълим мактаблари, коллеж ва маҳалларда тиббий маданиятни ошириш, санитария-гигиена соҳасидаги ишларни кучайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари, никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти ҳақида давра суҳбатлари, тарғибот-ташвиқот ишлари изчил олиб борилмоқда.

Туманда мунтазам равишда чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ҳам ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан чет-

да қолмасин!" шиори остида ташкил этилган саломатлик ҳафталиги доирасида ўтказилган чуқурлаштирилган тиббий кўриқда тумандаги аҳолининг турли ёшдаги барча қатлами қамраб олинди. Бундай текширувларга маҳали кардиолог, терапевт, офтальмолог, стоматолог, невропатолог, травматолог ва бошқа шифокорлар гуруҳлари жалб этилаётгани, таъхис қўйишда энг замонавий тиббий ускуналардан фойдаланилаётгани нафақат касалликларни аниқлаш, балки олдини олишда ҳам катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Касаллик аниқланган беморлар эса тегишли тартибда тиббиёт муассасаларида соғломлаштирилмоқда.

Давоми 2-бетда. ➡

□ Семинар

Вилоят адлия бошқармасида "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқишда ҳамда норматив тусдаги ҳужжатларни ҳукуқий экспертизадан ўтказишда юридик хизматнинг роли" мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

МАНФААТЛАР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Вилоят ҳокимлиги, прокуратура ҳамда адлия бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мулоқотда адлия ва прокуратура органларининг масъул ходимлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ҳуқуқшунослари ва муурожаатлар билан ишлаш бўйича мутахассислари иштирок этди.

Тадбирда жисмоний ва юридик шахслар муурожаатларини кўриб чиқишда, норматив тусдаги ҳужжатларни экспертизадан ўтказишда юридик хизматнинг ролини оширишга қаратилган ислохотлар самараси атрафлича таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Қонун билан жисмоний ва юридик шахслар муурожаатларининг шакл ва турлари, уларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари, муурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат органларининг мажбуриятлари, шунингдек, муурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилишга оид нормалар белгилаб берилган. Шу билан бирга, бугунги кунда муурожаатларни маҳаллий ҳокимликлар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг "ишонч телефон"лари, веб-сайтлар, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси орқали қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш тизими жадал ривожлантирилган жисмоний ва юридик шахслар учун нафақат қулайликлар яратмоқда, балки муурожаатларни ўз вақтида ҳал этиш имконини бермоқда.

Амалий семинар якунида мавзуга оид зарур чора-тадбирлар белгилаб, тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Аваз ИСРОИЛОВ.



Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

□ Кишлоқ мулкдорлари

Илик-иссиқ кунларнинг ҳар соати, ҳар дақиқаси ғанимат. Бинобарин, ҳозир эрта тонгдан то оқшом тушгунча далада бўладиган пайт. Бугун "Турон майдони" фермер ҳўжалиги далаларида вазият шундай.

Юқори Чирчиқ туманидаги бу йирик ҳўжалик ҳар йили 50 гектар майдонда ғалла, 27 гектарда пахта етиштиради.

Фермер Қанат Тожибоевнинг айтишича, ҳўжалик ҳосилдорликда кўплардан олдинда. Хусусан, бу йил ҳам 50 гектар ердан 255 тонна бугдой ўриб-янчиб олинди. Шундан 200 тоннаси давлат эҳтиёжлари учун сотилди. Ўзларига қолган 55 тонна дон 6 аъзога

меҳнат улушига қараб тақсимланди.

Юқори ҳосилдорликнинг асосий сабаби шуки, ҳар йили уруғлик ғалла октябрь ойининг биринчи ўн кунлигидан кечиктирмай экиб олинди. Натижада, уруғлик тез ва текис униб чиқиб, қалин туплайди, илдири ҳам кучли ривожланади. Шу боис, кишининг қаҳратони бугдой ниҳолларига зарар етказмайди. Кузги ва кўклагги ёғин ҳамда вақтида берилган

озикаларга тўйиниб, касаллик ва зараркундаларга бўй бермайди. Ай-

ниқса, дуркун ривожланган бугдой пояси эрта, узун ва тўқ бошоқлаб,

ҳосил салмокли бўлади.

– Бу йил ҳам шу анъанамизни давом этти-



дик, – дейди фермер. – Ҳафсала билан тайёрланган 50 гектар ерга "Таня" нави бугдой уруғини кунча сепиб бўлди. Одатдагидек, гектарига 50 килограммдан аммофосни ҳам қўшиб сепдик. Ғаллакорлар тилида бу "хамир учидан патир". Асосий ўғитлар куз ва баҳордаги ёғинлар мавсуми ва суғориш пайтида берилади. Бу ҳаракатлар "ғалвини сувдан кўтарадиган пайт" ўз самарасини бериши шубҳасиз.

"Турон майдони" ҳўжалиги ҳар йилгидек, давлат эҳтиёжлари учун пахта сотиш шартнома ре-

жасини ҳам туманда биринчилардан бўлиб бажарди.

– Ҳозирги кунгача ҳосилдорлик 35 центнердан ошди, – дейди К. Тожибоев. – Терим эса давом этапти. Эрталаб ва тушда бепул овқат ташкил этганмиз, теримчилар ҳақини вақтида тўлаб бораёпмиз. Шу боис маҳаллий бўш аҳоли кўмаклашапти. Бу йил ҳам ҳосилдорлик 40 центнердан кам бўлмайди.

Абдусамид Йўлдошев,
Даврон АҲМЕДОВ
(сурат),
"Тошкент ҳақиқати"
мухбирлари.

□ Маънавият

Тарбия кўриб улғайган киши ўзи яшаб турган жамиятга наф келтиришга ҳаракат қилади. Чунки, яхшилиқ одоб-ахлоқ бобидаги энг улғу фазилатлардан-дир. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ҳар бир кунини ўзгалар корини осон қилишга, ўқсикларнинг кўнглини кўтаришга бағишлайдиган одамлар чинакам фидойилардир. Инсонларга ҳолис хизмат қилиш, уларга имкон қадар ёрдам қўлини чўзиш, умуман, ҳожатбарор бўлишнинг саодати катта.

ЭЗГУЛИКНИНГ МУКОФОТИ

Инсонларга яхшилиқ қилиш икки дунё саодатига етаклашни яхши анлаган киши бу ишга астойдил интилади. Чунки, у яхшилиқнинг мукофоти – фақат яхшилиқ бўлишига дилдан ишонади.

Одамларни доимо эзгу ишга далолат қилмоқ катта кичик, ёшунинг бурчидир. Айниқса, ёшлар қарияларимизнинг насихатларини жон қулоқлари билан тинглаб, амал қилиб борсалар, асло адашмайдилар.

Дунёда яхши амаллар жуда кўп. Жумладан, ота-онасига яхшилиқ қилиш, кўни-қўшнисига, ака-укасига, қавму қариндошларига, маҳалла-қўдағи ёрдамга муҳтожларга, қаровсизларга кўмак бериш сингари хайрли ишларни бурчим деб билиш юксак инсоний фазилатдир. Бундай бағри кенг мўмин кишига яхшилиқ эшиклари доимо очик. Хусусан, диний таълимотда таъкидланишича: "Яхшилиқ қилишнинг барчаси – садақадир". Бир

кишига табассум ила яхши сўз айтиш ҳам, одамларга азият берадиган нарсани йўлдан олиб ташлаш ҳам, моддий ёрдамга муҳтож оилга мурувват қилиш ҳам шу жумладандир. Қаранг, ҳатто, табассум билан айрилган ёқимли сўз садақа экан. Шунингдек, ўзини ёмонлик қилишдан тийиш ҳам садақа ўрнига ўтаркан.

Дарҳақиқат, ҳар бир юрт фуқароси жамиятга фақат яхшилиқни раво кўрмоғи, ёмонликлардан тийилмоғи ва бошқаларга азият етказишдан йироқ бўлмоғи керак.

Эзгуликни фақат моддий кўмак бериш ёхуд бирор жисмоний ёрдам кўрсатиш деб тушуниш бир ёқламалик бўлур эди. Зеро, яхшилиқнинг чек-чегараси йўқ. Меҳрга, мурувватга мушток кўнгилларни зиёрат қилиш ҳам бир яхшилиқ бўлиб, улғу эҳсон ҳисобланади.

Раҳматуллоҳ САЙФИДДИНОВ,
Тошкент ислом институти ўқитувчиси.

ЯНГИЙЎЛЛИК ЁШЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Яхши кўшиқ, ёқимли мусиқа одамни эзгуликка чорлайди. Айниқса, маромида ижро этилса, кишига ўзгача завқ-шавқ биғишлайди, кайфиятни кўтареди.

□ Эътибор

Янгийўл туманидаги 75-Болалар мусиқа ва санъат мактабига кириб борар эканмиз, бизни шундай ажиб бир туйғу қамраб олди. Бу бежиз эмас. Кейинги пайтларда туман, вилоят ва республика миқёсидаги турли тадбир ва кўрик-танловларда ушбу мактаб ўқувчилари ижросидаги Ватан, истиқлол, ёшлик ва дўстликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, ўзига хос рақс, халқ оғзаки ижоди ва жаҳон классик мусиқа асарлари намуналари кўпчилигининг эътиборини тортмоқда.

Айни кунда мазкур санъат масканида 578 ўқувчи фортепьяно, ўзбек халқ қолғуларини, академик ва эстрада хонандалиги, аккордеон, торли ва зарбали чолғу асбоблари, хореография, тасвирий ва театр санъати каби ўндан ортик йўналиш бўйича таълим-тарбия олмақда. Уларга 74 ўқитувчи соҳа сирасорларини ўргатапти.

Ўз соҳасининг усталари, тажрибали ўқитувчилардан таълим олаётган ўқувчилар бўлиб республика болалар ижодий фестивалининг фахрий эриғи билан тақдирланди. Шунингдек, "Ягонасан, муқаддас Ватан!", "Истиқлол

ғунчалари" кўрик-танловларининг якка ва жамоа босқичларида фахрли ўринларни қўлга киритди.

Халқаро танловларда эришган муваффақиятлари, айниқса, таҳсинга лойиқ. Ўтган йили Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ташкил этилган халқаро танловда фахрли ўринларни қўлга киритган жамоа Сочи шаҳридаги ёш мусиқачилар халқаро танловда ҳам юксак истеъдодини намойиш этди. Мазкур тадбирда бир йўла 6 ўқувчиси – Лаура Шукурова фортепьяно, Дилноза Ҳакимова, Билолиддин Абдураимов ва Лутфулло Мамадазизов академик хонандалик, мактаб қошидаги "Ясмин" ансамбли рақосалари Элмас Жалилова ҳамда Улчера Усеинова хореография йўналишларида солибликни қўлга киритишди. Билим юрти мураббийлари Ботир Исмоилов ва Равшан Хуррамов эстрада хонандалиги ва театр санъати йўналишлари бўйича энг юқори мукофот – Гран-при соҳиби бўлди. Шу танлов натижаларига кўра, мактабнинг яна ўн ўқув-



чиси юқори ўринларга лойиқ кўрилди. Умуман, ўтган йилларда бу ерда таълим олаётган 40 дан зиёд ёш истеъдодлар мамлакат ва халқаро кўрик-танловларда муваффақиятга эришди.

– Илгарилари шарт-шароитларимиз ночор эди, – дейди мактаб директори Ваҳобжон Охунов. – Мамлакатимиз Биринчи Президентининг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида мактабимиз 2012 йил тубдан таъмирланди, моддий-техник базаси янада мустаҳкамланди. Ҳукуматимиз яра-

тиб бераётган замонавий шарт-шароит ва қулайликлар санъатга ошурта ўғил-қизларимизнинг қизиқиш ва интилишини янада кучайтираётир.

Мактаб раҳбари таъкидлаганидек, бугун турли нуфузли халқаро танловларда юртимиз ёшлари юксак марраларни забт этмоқда. Бу мамлакатимизда мусиқа ва санъатни ривожлантириш учун зарур шароит ва кенг имкониятлар яратилаётгани, истеъдодли ёшларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганининг самараси, албатта.

Юлдаз ИСАЕВА,
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

□ Моҳият

САНЪАТКОРНИНГ КИНОЯСИ

ЁХУД КИНОЯ САНЪАТИ

Рафаэлнинг яқин танқидчи дўсти машҳур расмнинг бир картинасини аёвсиз танқид қилиб, мақола ёзади. Айни чоғда дўстига шундай мактуб юборади:

– Қадрдоним Рафаэл! Ҳойнаҳой, мақоламини ўқиган бўлсангиз керак. Умид қиламанки, бу нарсаси дўстлигимизга раҳна соломлайди.

Рафаэл шундай жавоб йўлайди: "Азиз дўстим, учрашганимизда, аввало, бир мушт уриб, бурнингизни пачоқлайман. Умид қиламанки, бу нарсаси дўстлигимизга раҳна соломлайди".

Парижда ижобий тақризлари учун артистлардан пора олиб юрадиган бир мусиқа танқидчиси бор экан. Кунлардан бир кун унга "Опера Комик" солисти Бател мурожаат қилади. У танқидчи танқидчидан яқин орада ўтказилиши мўлжалланаётган кўрикда ўзи ижро этадиган янги ролини мактаб, мақола ёзиб чиқаришнинг илтимос қилади. Ҳозирча камхаржор эканини, кейинги ойда биратўла, яхшилаб рози қилишини айтади.

Тақризчи зўр бир мақола ёзишни айтиб, артистни ишонтиради. Тез орада танқидчининг каттагина мақоласи эълон қилинади. Унда Бателнинг номи охиридагина тилга олинган: "Жаноб Бател истикболли артист. У келажакда умидимизни оқлайди йўқми – тез орада маълум бўлади".

Ҳукумат идорасида катта амалдор бўлган буюк немис шоири Иоганн Вольфганг Гёте машҳур композитор Бетховен билан тез-тез учрашиб турарди.

Кунлардан бир кун улар Венадаги истироҳатгоҳда айланиб юришганди. Атрофдан ўтаётганлар уларга таъзим қилиб, ҳурмат-эҳтиромли равишда изҳор этишарди. Таъзимларга фақат Гётегина шляпасини сал кўтариб қўйиб, жавоб қиларди. Ахир, бу илтифотлардан безор бўлган шоир ҳамроҳига шундай гап қотарди:

– Бу таъзимлар жонимга теғди!
– Азият чекмасинлар, ҳазрат олийлари, – дейди Бетховен ваъминлик билан. – Балки, бу таъзимларнинг менга ҳам оз-моз дахли бордир!..

Кўшни ҳовлидан келаётган кўк тўтун Назирани бўға бошлади. Нима қилсин, астма касали бор, сал нарсасига нафаси қисади. Аксига олиб шамол ҳам шу томонга эсаяпти.

Назира кўчага чиқиб, кўшнисининг эшигини тақиллатди.

– Томорқадаги экинларнинг пояларини ёқаётгандим, – деди Баҳри. – Қарасам, ҳаммаёқ ивирсиб кетибди.

– Шунинг ёқмасангиз ҳам бўларди-ку, – деди Назира. – Ҳаммаёқ тутун бўлиб кетдику!

– Ҳозир ёниб тугайди, эгачи, – бўш келмади Баҳри. – Шунга шунчаликми? Қолаверса, кўчада эмас, ўз уйимда ёқапман.

Кўшнисига гап ўқтириб бўлмаслигини анлаган Назира индамай орқага қайтди. Ҳали бу ҳолваси, эртага қари ёнғоннинг япроғи хазонга айланганида кўрасиз томошани.

Назира кўчага чиққанида, нариги кўшни ҳам ши-

коят қилди. Унинг икки ойлик невараси тутун исидан бўғилаётганмиш.

"Кўшнимиз хазону хас-

□ Дарвоқе

«ЁНАЁТГАН» САЛОМАТЛИК

чўпларни бурқситиб ёқа-ёқа бизларни заҳарлаб бўлди", деди у.

– Тутун қанча қуюқлашса ҳаводаги кислород шунча камаяди, – дейди умумалиёт шифокори Мухайё Усмонова. – У аллергия, томоқ йўллари, гипоксия хасталикларини кўзгайди. Ҳатто, бора-бора саратонга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бу, айниқса, болалар, қариялар, бе-

морларга тез таъсир қилади. Бир сўз билан айтганда, тутун табиатга ҳам, одамларга ҳам катта зарар еткази.

Барглари, чиқиндиларни ёқмасак, унда тозаллик қандай эришиш мумкин, дея эътироз билдирувчилар



АРИ ... АВТОМОБИЛНИ ПАЧОҚЛАДИ

Сўнгги замонавий технологиялар билан таъминланган, қимматбаҳо, тезкор, тежамкор Honda NSX суперкариринг биринчи нусхаси ари сабабли Тайвань йўлларида йўл-транспорт ҳодисасига учради.



27 ёшли ҳайдовчи машина ичига кириб қолган ари чаққанидан кейин бошқарувни қўлдан чиқаради ва машина ажратувчи тўсиққа бориб урилади. Бу воқеадан сўнг маҳаллий полиция ҳайдовчини текширувдан ўтказди. Унинг қон таҳлили спиритли ичимлик истеъмол қилмаганини кўрсатди.

Автомобилнинг ЙТХдан кейинги ҳолати тасвирланган видеода унинг олд чап қаноти, бампери, капоти ва чирокларига шикаст етганини кўриш мумкин.

Худди шундай рақамли NSX аввалроқ дунёнинг етакчи автомобил кўргазмаларида ўзини "кўз-қўз" қилиб турган эди. ЙТХга айнаган шу автомобиль тушган бўлса, эҳтимол.

ОСМОНДАГИ КЎПРИК

Дунёдаги энг баян осма кўприк Хитойнинг Гуйчжоу вилоятида қуриб, битказилди.

570 метр баянликдаги Бэйпань-цзян кўпригининг узунлиги 1 минг 314 метрни ташкил этиб, бу дунёдаги энг баян йўл ўтказгич ҳисобланади.

Кўприкнинг қурилиш ишлари 2013 йилда бошланиб, лойиҳага қарийб 150 миллион доллар маблағ сарфланди. Мазкур ноёб иншоот 4-жэ-



цзян вилоятидаги Ханчжоу ва Юньнань вилоятидаги Жуйли шаҳарларини боғловчи йўлнинг бир қисми бўлади.

АЖОЙИБ ГУЛТУВАК

Ҳозирги кунда технологиялар турмушининг ҳар бир соҳасига жадаллик билан кириб келмоқда.

Интернет хабарлари асосида Ф. РАВШАНОВ тайёрлади.



Кореялик дизайнер Жеонг Сеунгбин хонаки гуллар учун бежирим гултувак ихтиро этди. Девоорга осиб қўйиладиган ушбу ажойиб гултувак устида ихчамгина булутча бўлиб, унга сув қўйиши билан гул устига майда томчилар ёғила бошлайди. Мазкур қурилма табиий ёмғир вазифасини бажаради.

Булутча 80 мл. суви ўзига сифдира олади ва уни бир меъёрга тақсимлаб, тувакдан тошиб кетмайдиган даражада гулга керакли суви томчилатиб қуяди. Ушбу гултувак ёрдамида гулни суғориш кишига завқ бағишлаши билан бирга, ҳар қандай услубдаги хонага кўрк беради.

Республика Киночилар уйида "Ўзбекино" миллий агентлиги буюртмаси асосида суратга олинган "Толиққан кўнгиллар ойга талпинар" бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

ВОҚЕАЛАР БЎСТОНЛИҚДА КЕЧДИ

Фильм Бўстонлик туманида олинди. Унда кексалик оstonасида турган Эркин, Шавкат ва Убайдулла исмли уч дўстнинг ҳаёти, ўй-кечинмалари ҳақида ҳикоя қилинади.

...Кунлардан бирида улар тоғлар бағридаги сирли масканининг дарагини эшитиб, уни ўз кўзлари билан кўришни ниётида сафарга отланади. Дўстлар йўлда бир қанча гаройиб ҳодисаларга дуч келади, ўзига хос табиати одамлар билан учрашиб, ҳамсухбат бўлади. Анча сермашақат ва мароқли кечган сафар натижасида ҳаётнинг мазмун-моҳияти ҳақида ўзларини қийнаган саволларга жавоб топадилар.

Мазкур фильм эзгулик, самимий фазилатларнинг тараннум этади, томошабинни чуқур фалсафий мушоҳадага чорлайди. Унда ўзбек халқига хос бўлган ҳалоллик, бағрикенглик, кексаларни ҳурмат қилиш, ардоқлаш, насихатларига қулоқ тутуш, дуоларини олиш каби эзгу фазилатлар ҳамда тарихий қадриятларимиз ҳақида ҳикоя қилинади.

Сценарий муаллифи ва режиссёр – Собир Назармухамедов. Бош ролларни Эркин Комилов, Муҳаммадсоли Юсупов, Карим Мирҳодиев, Бернард Назармухамедов, Тоҳир Миралиев, Дилором Каримова каби актёрлар ижро этган.

А. ҚИЁСОВА,
ЎЗА муҳбири.



Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи

Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Маъзиллик:
100000,

Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Қабулхона:

Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар:

Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).

233-38-23, 233-48-08.

233-81-21, 233-65-59.
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусаввир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ